

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил август ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи А.Омонов, судья ёрдамчиси Ж.Рустамовнинг котиблигида, томонлардан Учкўприк тумани прокурори ёрдамчиси А.Эргашев, айбланувчи Ш.Одилов ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Юлдашев, жабрланувчининг қонуний вакили А.Мелибоев ва жабрланувчи Ё.Давроновларнинг иштирокида, Одилов Шохаббос Адхамжон ўғлига нисбатан 1-1518-2301/198-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Одилов Шохаббос Адхамжон ўғли (Odilov Shoxabbos Adhamjon o'g'li), 1999 йил 19 май куни Учкўприк туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, икки нафар фарзанди бор, маълумоти ўртамахсус, муқаддам судланмаган, Учкўприк тумани Боғибўстон м.ф.й, Қўқонбой қишлоғи, рақамсиз уйда яшайди, иш бўйича тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 27 июнь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, жиноят иши бўйича айбланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва жабрланувчининг ярашиш тўғрисидаги аризасини, иш материаллари билан бирга кўриб чиқиб, айбланувчи, жабрланувчининг қонуний вакилини содир этилган жиноят ҳолатлари юзасидан кўрсатувларини ва томонларни фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Айбланувчи Ш.Одилов 2023 йил 6 апрель соат 19:30 да ўз бошқарувидаги “Nexia” русумли, 40 В 672 JA давлат рақам белгили автомашинани, тегишли ҳужжатлар асосида Учкўприк-Сариқўрғон автомобиль йўлининг Учкўприк тумани Боғибўстон м.ф.й, Қўқонбой қишлоғи худудида ўтган қисмида Сариқўрғон қишлоғи йўналишига қараб бошқариб келиб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди, “Г” кичик бандидаги “хайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши” ҳамда 53-бандидаги “Хайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак” деб кўрсатилган қоидаларни кўпол тарзда бузиб, асосий йўлда ўзига нисбатан қарама-қарши томондан ҳаракатланиб келаётган Давронов Ёркинжон Бахтиёржон ўғли бошқарувидаги мотоцикл йўлига чиқиб, мотоциклни чап ён томон ўрта қисмига автомашинаси олди ўнг томон бурчак қисми билан уриб юбориб, йўл транспорт ходисаси содир этиши натижасида мотоцикл хайдовчиси Давронов Ёркинжон Бахтиёржон ўғли ва йўловчиси Олимов Рамзхон Алижон ўғлилар тан жароҳати олиб, шифохонага даволаниш учун мурожаат қилишган.



Суд-тиббий экспертизасининг 2023 йил 25 майдаги №2150-сонли хулосасида, Ё.Давроновда чап оёқ болдир суягини ўрта пастки қисмидан очик синиб силжиши бўлиб бу тан жароҳатлари ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида қарорда кўрсатилган йўл транспорт ходисаси натижасида юзага келганлиги, бу тан жароҳатлари умумий меҳнат қобилиятининг учдан бирдан кўпроғини турғун йўқолишига олиб келган оғир шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2023 йил 25 майдаги №2149-сонли хулосасида, Р.Олимовда чап ёноқ суяги ёпиқ синиши, бошида эзилиб йиртилган яраси, бош мия чайқалиши, чап чакка-тепа сохаларида шилинмалари бўлиб, бу тан жароҳатлари ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида қарорда кўрсатилган йўл транспорт ходисаси натижасида юзага келганлиги, бу тан жароҳатлари йигирма бир кундан кўп бўлган муддатга соғлигини бузилишига олиб келган ўрта оғир шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Айбланувчи Ш.Одилов судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, 2023 йил 6 апрель соат 19:30 ларда ўз бошқарувидаги “Nexia” русумли, 40 В 672 JA давлат рақам белгили автомашинани, Учкўприк-Сариқўрғон автомобиль йўлининг Учкўприк тумани Боғибўстон м.ф.й, Қўқонбой қишлоғи худудидан ўтган қисмида Сариқўрғон қишлоғи йўналишига қараб бошқариб кетаётиб, асосий йўлда ўзига нисбатан қарама-қарши томондан харакатланиб келаётган Ё.Давронов бошқарувидаги мотоцикл йўлига чиқиб, мотоциклни чап ён томон ўрта қисмига автомашинаси олди ўнг томон бурчак қисми билан уриб юборгани, натижада Ё.Давронов ва йўловчиси Р.Олимовлар тан жароҳати олишгани, ҳозирда жабрланувчининг қонуний вакили ва жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қоплангани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчининг қонуний вакили ва жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ё.Давронов судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбланувчи Ш.Одилов 2023 йил 6 апрель соат 19:30 ларда ўз бошқарувидаги “Nexia” русумли автомашинасини, Учкўприк-Сариқўрғон автомобиль йўлининг Учкўприк тумани Боғибўстон м.ф.й, Қўқонбой қишлоғи худудидан ўтган қисмида бошқариб кетаётиб, асосий йўлда ўзига нисбатан қарама-қарши томондан харакатланиб келаётган унинг бошқарувидаги мотоцикл йўлига чиқиб, мотоциклни чап ён томон ўрта қисмига автомашинаси олди ўнг томон бурчак қисми билан уриб юборгани, натижада у ва йўловчиси Р.Олимовлар тан жароҳати олишгани, ҳозирда етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани, шу сабабли айбланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили А.Мелибоев судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, жабрланувчи Р.Олимов ўғли экани, у ҳозирда Қирғизистон республикасига иш юзасидан кетгани, айбланувчи Ш.Одилов 2023 йил 6 апрель соат 19:30 ларда ўз бошқарувидаги “Nexia” русумли автомашинасини, Учкўприк-Сариқўрғон автомобиль йўлининг Учкўприк тумани Боғибўстон м.ф.й, Қўқонбой қишлоғи худудидан ўтган қисмида бошқариб кетаётиб, асосий йўлда ўзига



нисбатан қарама-қарши томондан ҳаракатланиб келаётган Ё.Давроновнинг бошқарувидаги мотоцикл йўлига чиқиб, мотоциклни чап ён томон ўрта қисмига автомашинаси олди ўнг томон бурчак қисми билан юборгани, натижада Ё.Давронов ва ўғли Р.Олимовлар тан жароҳати олишгани, ҳозирда ўғлининг соғлиғи яхши экани, унга етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани, шу сабабли айбланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчининг қонуний вакили ва жабрланувчи билан ярашса ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига мувофиқ жабрланувчининг қонуний вакили жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумонланувчи, айбланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд тарафидан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилиши мумкин.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакили А.Мелибоев ва жабрланувчи Ё.Давроновлар ва айбланувчи Ш.Одиловнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Учкўприк тумани прокурори ёрдамчиси А.Эргашевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, айбланувчи Ш.Одиловнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва иш бўйича зарар қопланганлигини, жабрланувчининг қонуний вакили, жабрланувчи ва айбланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув айбланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Ш.Одиловга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд, жабрланувчининг қонуний вакили А.Мелибоев ва жабрланувчи Ё.Давроновларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтирилганлигини қайд этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Одилов Шохаббос Адхамжон ўғли (Odilov Shoxabbos Adxamjon o'g'li)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Ш.Одилов жинойий жавобгарликдан озод қилинсин ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.



Ш.Одиловга нисбатан қўлланилган тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Дастлабки тергов даврида Фарғона вилоят ИИБнинг “Ипотека банк” АТИБ Фарғона вилоят филиали депозит ҳисоб рақамига тўланган 4.000.000 пул маблағи жиноят оқибатида етказилган зарар ҳисобига А.Мелибоевга қайтарилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кунлик муддат ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

/имзо/

А.Омонов

Нусхаси аслига тўғри:

А.Омонов

